## “МЕН МУБТАЛО ҚАЙГА БОРАЙ?”

Расул Ҳамроевич “Уч юз олти миллион” деди. Мен ҳайронлар қолдим, сўнг у киши “Майли бир юз эллик миллион” дедилар. Мен Расул Ҳамроевич бундай рақамларни қаёқдан олаётганига ҳайрон эдим. Кўнглимдан кечган гапни раисимиз билдилар шекилли, “Етмиш беш миллион бўладими?” дедилар. Кейин эллик миллионга, кейин йигирма беш миллион сўмга тушди. Дастлабки нарх билан охирги нарх ўртасидаги осмон билан ерчалик фарқ барибир мени ҳайрон қолдирди. Р. Мардонов нима демоқчи, нимага ишора қилмоқда? Мана, уч юз миллион сўм турадиган ошхона ресторанни сув текинга — йигирма беш миллионга бераяпман демоқчими?

2 -бет



## Большевиклар ва қароқчи баронлар

Америкаликлар бир нарсани тушунишга қийналадилар — қандай қилиб 3-4 йил ичида миллиардер бўлиб олиш ва сайёранинг энг бадавлат одамлари рўйхатидан ўрин олиш мумкин? Бунинг устига бутун мамлакатнинг иқтисодиёти ўта хароб аҳволда бўлса? АҚШда Рокфеллерлар, Фордлар, Дюпонларнинг бойлиги бир неча авлодлар мобайнида доимий равишда ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига, бизнесни уюштириш ва янги технологияларни жорий қилишда оталарнинг қўшган ҳиссалари туфайли тўпланган.

Россия олигархлари эса мамлакатни янада қашшоқ аҳволда қолдириб, мол-мулкларни таладилар ва сотиб юбордилар.

3 -бет

## РУТБА

Айтгандай, “Ўзбегим” ғазали дунёга келишга келди. Энди уни ўз эгаларига — ўзбек элига, ўзбек миллатига ўз куйи, ўз оҳанги, ўз оҳори билан етказадиган, ҳазорнаволик, ҳазордостонлик мақомига эга бўлган бир ҳофиз керак эди. Худо ҳам манглайига, ҳам танглайига қўшқўллаб берган муғанний керак эди. Катта саройларда, катта саҳналарда, катта сайлларда баланд овозда, баланд парвозда элга етказадиган назаркарда оқин сифатли хонанда керак эди.

Бу тилагимиз ҳам мустажоб бўлди. “Ўзбегим” — ўзбекнинг ўз миллий мадҳияси ўз эгаси, ўз ижрочисини, ўз султонини топган эди. Бу — элга эндигина танилаётган, улус томонидан тан олинаётган Шерали Жўраев эди.

4 -бет

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@rambler.ru № 48 (354) 2003-yil 3-dekabr

«HURRIYAT» сизники,
Сиз HURRIYATники бўлинг!
Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичи — 233

Сана

# ОРЗУЛАР БИТИЛГАН ҚОМУС




Президент Ислом КАРИМОВ Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Бош қомусимизнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо бера туриб: «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир», деган эдилар. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакат Конституцияси ўша давлатда яшаётган турли халқ вакилларининг орзу-истакларини ўзида мужассам этиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда бош омил бўлиб хизмат қилишга қаратилган. Қабул қилинганига 11 йил тўлаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам ана шундай эзгу мақсадларни ўзида тўлиқ акс эттирганлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Тарихдан маълумки, инсоният неча минг йиллардан буён одил жамият қуриш ва адолатпарвар тузум барпо этишни орзу қилиб яшаган. Бу йўлда халқнинг илғор кишилари доимо изланишда бўлган, кези келганда, халқни курашга чорлаб, йўлбошчилик қилганлар.

Вақт ўтиб, халқнинг бу орзу-умидларини мамлакат мустақил бўлгандагина рўёбга чиқариши мумкинлигини жамиятнинг илғор кишилари англаб етишгач, мустақилликка бўлган интилишлар халқнинг енгилмас истак-хоҳиши даражасига кўтарилди.

Ўзбек халқи 1991 йил 1 сентябрни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб эълон қилиши, миллатимизнинг юқорида айтиб ўтган неча минг йиллик орзу-умидларини рўёбга чиқариши учун тарихий шарт-шароит яратиб берганлиги айни ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлими Асосий принципларга бағишланган бўлиб, унинг 1-боби 1-моддасида “Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади” деб қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Демак, мустақил давлатнинг энг асосий шартларидан бири, бу — унинг суверенлигидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси суверенитети Бош Қомусимизнинг биринчи бўлими биринчи боби биринчи моддасида аниқ ва равшан ёзиб қўйилган. Бу қоида биринчидан, мамлакатимиз мустақиллигини қатъий белгилаб берган бўлса, иккинчидан, дунё ҳамжамиятида ўзга давлатлар билан тенг ҳуқуқли янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганини қонунлаштиради.

Давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар, уларнинг бир-бирлари олдидаги мажбуриятлари хусусида гап юритилганда америкалик олим Генри Дэвид Тореанинг 1846 йилда ёзган “Фуқаролик итоатсизлиги” номли асаридаги ушбу жумлаларни эслашни жоиз деб билдик. У шундай ёзади: “Ҳукумат ваколати... ҳамон нобопдир: ўта одил бўлиши учун у бошқарилувчиларнинг рухсати ва розилигига эришмоғи лозим. Менинг шахсим ва менинг мол-мулким ичра, у, мен унга ён босиб, ўзим бериб қўйган нарса устидангина соф ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Абсолют монархиядан чекланган монархия томон силжиш ва чекланган монархиядан демократия сари тараққиёт — шахсни ҳурматлаш томон тараққиётдир.”

Кўриб турганимиздек давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қайси даврда ва қайси давлатда бўлмасин, ўша замон файласуф олимларининг доимий равишдаги қизғин мунозараларига сабаб бўлиб келган. Қадимда яшаб ижод этган халқимизнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Абу Наср ал-Форобий ва бошқа қатор олиму фузалолар ўзларининг асарларида одил жамият барпо этиш ва адолатли ҳукмдор қандай фазилатларга эга бўлмоғи керак деган саволларга жавоб излашган ва бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ўз асарларида ёзиб қолдиришган.

Ҳеч бир замонда, айниқса, энг одил жамият барпо этишни даъво қилган собиқ тоталитар тузум шароитида давлат ўз фуқаролари олдидаги масъулият ҳиссини тўлақонли ҳис этган эмас. Шўролар ҳукумати амалда фуқаролар олдида эмас, балки фуқаролар давлат олдида масъул эдилар.

Мамлакатимиз том маънодаги ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, давлатнинг халқ олдидаги барча мажбуриятлари аниқ белгиланиб, Конституциянинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деб, қатъий муҳрлаб қўйилди.

Инсонинг яшаш ҳуқуқи кимлардир томонидан талқин этилиб, ўтмишда ёки бугунги кунда ўйлаб топилган муаммо эмас. Инсон ҳуқуқлари, асл маънода, табиат томонидан унга фақат инсон бўлгани учунгина берилган ҳуқуқлардир.

(Давоми 2-бетда)

Обуна - 2004



— Бобо, «Hurriyat»да яна нима чиқибди?

Сессия

# ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ

### Ундан қандай фойдаланиш мумкин?

**Яна саноқли кунлардан кейин Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Сессия муҳокамасига 2004 йилги Давлат бюджети, айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар билан бирга “Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Хўш, қандай зарурат ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга ундади? Мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?**

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг халқаро бўлими мудири П. Абдуллахоновнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши мамлакатимиз қонунчилигини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш йўлидаги қадамлардан бири ҳисобланади. Маълумки, республикамиз 1993 йили Женева Конвенциясига аъзо бўлганди. Конвенция талабларига мувофиқ, унга қўшилган ҳар бир давлат ўз зиммасига маълум мажбуриятларни олади. Ана шу талаблар сирасига қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш вазифаси ҳам киради.

Айни вақтда қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларини истифода қилиш борасида бир қатор ноқонуний ҳолатлар учраб қолмоқда. Оддий мисол. Бугунги тижорат йўналишидаги айрим хусусий дорихона ва тиббиёт муассасалари пештоқига қизил хоч ёки қизил ярим ой тасвири туширилганини кузатиш мумкин ва бу кўпчилигимиз учун одатий ҳолга айланиб улгурган. Ваҳоланки, халқаро меъёрларга мувофиқ, бу икки тимсолдан фақат бепул тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларигина фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ушбу талабдан келиб чиқиб, янги қонун лойиҳасига қизил ярим ой тимсолидан бепул тиббий хизмат кўрсатувчи тиббий тузилмалар Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти розилиги билан тинчлик даврида фойдаланишлари мумкинлиги тўғрисидаги модда киритилган. Шунингдек, парламент ҳужжати лойиҳасида “Ўзбекистон Республикаси қизил ярим ой тимсолидан фойдаланади” деган модда асосий принцип сифатида эътироф этилган. Бу эса рамзлардан фойдаланиш борасида юзага келаётган англашилмовчилик, хилма-хиллик ва хатоларнинг олдини олади.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси фойдаланадиган қизил ярим ой тимсоли оқ фонда ойнинг биринчи чорагидаги ҳолатда, қараб турган одамга нисбатан олганда ҳар иккала учи чап тарафга қаратилган тарзда ифодаланган қизил рангли ярим ой тасвиридан иборат”. Бу тимсол бинолар, транспорт воситалари, бошқа мол-мулк, шунингдек, ходимлар Қизил Ярим ой ва Қизил хоч ташкилотларига мансублигини белгилаш мақсадида ишлатилади. Янги ҳужжат лойиҳасига кўра, мазкур икки тимсолдан ҳамда “Қизил Ярим Ой” ва “Қизил Хоч” номларидан тижорат фаолиятида, қуролли можаролар даврида хиёнаткорлик билан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Яъни қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоллари ҳамда номлари давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равишда тайёрланган ушбу қонун лойиҳаси парламентда биринчи ўқишда муҳокама қилинади.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Анжуман

# ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР...

Бирорта оммавий ахборот воситалари йўқки, шакли-шамойили, мазмун-мундарижасидан қатъий назар унга хат-хабар келмаса... Муштарий ўзи дуч келган муаммо, кўнгил кечинмалари, ОАВ ҳақида фикр-мулоҳазасию ва ҳоказолар хусусида мурожаат этадики, сирасини айтганда, таҳририятнинг мавқе даражаси ҳам унга келаётган мактублар саноғи ва салмоғи билан белгиланади. Кейинги пайтларда таҳририятларга фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя этиш юзасидан мурожаатлар сони кўпайиб бормоқда, айни ҳолатда журналистнинг энг бирламчи вазифаси, ҳуқуқи ва мажбурияти нималардан иборат? Фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш механизми бугунги талаб ва имкониятдан келиб чиқиб баҳоланганда қандай манзара юзага келади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида бўлиб ўтган навбатдаги анжуманда шу ва шу каби саволларга жавоб изланди, айни жараёнда юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган муаммо ҳамда унинг ечимлари тўғрисида фикр-мулоҳаза, ҳатто баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад бошқарган машваратда Олий суд судьяси Ҳ. Ёдгоров фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқини кафолатлаган қонун, унинг талаб ва шартлари хусусида маъруза қилди. “Халқ сўзи” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ш. Жабборов фуқаролар мурожаатидан келиб чиққан ҳолда ОАВ ва ижро органлари орасидаги муносабат, икки соҳа фаолиятида юзага келадиган уйғунлик, уни такомиллаштириш хусусидаги мулоҳазаларни аниқ мисоллар билан ифодалади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ўринбосари, юридик фанлари доктори Ш. Рўзиназаров фуқароларнинг ОАВ орқали келиб тушган ариза, таклиф ва шикоятларни хўжалик суди мисолида таҳлил чиғириғидан ўтказибгина қолмай, бу борада қонун ва меъёрий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда тавсиялар ишлаб чиқилгани, у мазмун-моҳиятига кўра журналист фаолиятини чегараламай, балки ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган журналистлар учун қўлланма вазифасини бажаришига умид билдирди. Хўжалик суди мутасаддилари ўз ташаббуси билан бундай тавсияни ишлаб чиққани ҳақли равишда эътирофга лойиқдир.

Турфа анжуманлар ҳақида ОАВда хабар берилар экан, қандай ўтганидан қатъий назар, уларда “... баҳс-мунозараларга бой маъруза” бўлгани алоҳида таъкидланади. Мазкур анжуман ҳеч қандай муболағасиз баҳс-мунозара, ҳатто тортишувга бой бўлганини, буни белгиланган вақтдан анча кечроқ якунланганидан ҳам билиш мумкин.

Алқисса, юристлар ва журналистлар ўртасида бўлиб ўтган жонли мулоқотнинг қисқача баёни шу. Таҳририят Конституциявий судда кўплаб ўтказилган шундай анжуманлар хусусида қуруқ хабар бериш билан чегараланмай, унда кўпчиликнинг эътиборини тортган маъруза муаллифларига газетамиз саҳифаларидан ўрин бермоқдаки, демак, мулоқот, баҳс-мунозара ҳали давом этади. Зеро, анча оҳори тўкилган бўлса-да, қуйидаги ҳикматнинг мазмун-моҳияти ҳали-ҳамон ўз кувватини йўқотмаган: ҳақиқат баҳсларда туғилади.

**МУХБИРИМИЗ**

Семинар

## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ЖУРНАЛИСТ

ЎЗБЕКИСТОН Миллий университети журналистика факультети, UNESCO ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси ва “Media RESOURCE CENTER MRG-TASHKENT” нодавлат ва нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида журналистлар учун уч кунлик семинар уюштирилди. Биринчи кун “Матбуот эркинлиги ва ОАВда плюрализм” мавзусига бағишланди. Шу куни сиёсатшунос Муқимжон Қирғизбоев, “Экономическое обозрение” журнали шарҳловчиси В.Абутуров, ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммедов, Матбуот ва ахборот агентлиги ОАВ мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғи Бобоқул Тошевлар томонидан сўзланган маърузалар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Иккинчи кун эса “Жаҳонда коммуникация ва ахборот технологияларнинг ривожланиши” бўйича маърузалар тингланди.

“Ўзбекистонда журналист кадрлар тайёрлашдаги янги йўналишлар” деб номланган учинчи кунги семинарда сўзга чиққан ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири Б.Дўстқораев, ЎзМУ журналистика факультети декани Қ.Ирназаров, доцент О.Мадаев ва ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедраси мудири, доцент Ё.Маматовалар ўзларининг сара фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Семинар сўнгида иштирокчиларга сертификат топширилди.

**Азамат ЗАРИФ,**
**ЎзМУ Журналистика факультети талабаси**

Мулоқот

## ДЕМОКРАТИЯ ВА ОАВ

***Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармаси Ўзбекистон ваколатхонаси ҳамда “Мулоқот клуби” нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Мулоқот” журналистлар клуби лойиҳаси дастури доирасида Термиз шаҳрида жанубий ҳудуд (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари)даги газета муҳарририятлари, телерадиостудиялар, турли идоралар матбуот хизмати вакиллари иштирок этган семинарда асосий эътибор бугунги демократик ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли масаласига қаратилди.***

***Жамият демократиялашувида ОАВ қандай ўрин тутади, бу жараён мамлакатимизда қандай кечаяпти, ривожланган демократик жамиятларда-чи? Семинар давомида ана шундай саволларга жавоб изланди, шунингдек, ҳозирда мамлакатимизда жамият ва оммавий ахборот воситаларининг демократлашуви масалаларига доир муаммолар хусусида ҳам баҳс-мунозара юритилди.***

**МУХБИРИМИЗ**

Жавоб

# ЯНГИЛИКДАН ЯНГЛИШМАНГ

Мамлакатимиз мустақиллиги жамият ҳаётининг барча соҳаларига, шу жумладан, маънавий ва маърифий соҳага ҳам мазмунан янгича талабларни қўйди. Чунки кишилар психологиясини тубдан ўзгартирмай, янгича дунёқарашга эга бўлган авлодни тарбияламай туриб мустақиллик моҳиятини англаб етиш, уни мустаҳкамлаш учун фидойилик кўрсатиш анча мушкул бўлур эди.

Табиийки, бу вазифани амалга оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири дарсликларнинг янги авлодини яратиш масъулиятидир. Мазкур дарсликларда миллий анъаналар билан бир қаторда жаҳон тамаддунининг илғор тажрибалари ҳамда замонавийлик тамойиллари ўз аксини топиши лозим эди. Зеро, шўро даврида чиқарилган, хусусан, ижтимоий мазмундаги дарслик ва қўлланмалар маънавий-мафкуравий жиҳатдан эскириб, ярокқсиз ҳолга келиб қолган эди.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, мутасадди вазирлик ва идоралар, илмий-маърифий марказлар бу вазифани астойдил амалга оширишга киришдилар. Айниқса, Халқ таълими вазирлигининг дарсликлар яратиш борасида эълон қилган танлови ҳар бир дарсликнинг бир неча вариантини яратиш ва улар орасидан энг афзалини саралаб чоп этиш имкониятини вужудга келтирди.

Бироқ дарслик яратиш ғоят мураккаб жараён бўлиб, унинг тажриба ва синовлардан ўтиб такомиллаша бориши маълум муддатни талаб қилади. Бинобарин, мамлакатимиз матбуотида янги чиқарилган дарсликлар борасида билдирилаётган қизғин, эҳтиросли, баъзан бирёқлама фикрлар, баҳс-мунозараларни табиий ҳол сифатида қабул қилмоқ лозим.

“Hurriyat” газетасининг шу йил 9 ноябрь сонида “Маънавият” нашриётида чоп этилган “ALIFBE” дарслиги ҳақида ана шундай мунозарали мақола эълон қилинди. Муаллиф дарсликни анча батафсил таҳлил қилишга уринган. Бироқ у, ўзи таъкидлаганидек, “бир неча марта 1-синфларни ўқитган” бўлса-да, таҳлил этмоққа бел боғлаган “ALIFBE” дарслигининг эмас, балки ўзининг савияси саёзроқ эканини кўрсатиб қўйган. Чунончи, дарсликнинг 38-бетидаги “Она диёр” сўз бирикмасини “миттигина кичкинтой” (?) тушунмаслигини важ қилиб, унинг ўрнига “Она-Ватан”, “Она-юрт” сўзларини қўллашни тавсия этади. Аввало, “юрт” сўзи ушбу матнда ишлатилган. “Ватан” сўзига келсак, мундайроқ ўқитувчига ҳам маълумки, савод ўрганаётган болага ҳали ўтилмаган ҳарф ва товуш иштирокидаги сўзни тавсия этиш методик жиҳатдан маълум мушкулликларни туғдиради. “Ватан” сўзи таркибида эса ўқувчи ҳали танишиб улгурмаган “В” товуши мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон Давлат мадҳиясини боғчадалигидаёқ куйлаб ўрганган бола нега энди “диёр” сўзини билмас экан?

Мақола муаллифи дарсликнинг 45-бетидан нуқсон қидириб, “Йўлбарс, курка — нима?” — дея ҳайратларга тушади. У кишининг янги алифбодан саводлари қай даражада эканини билмадиг-у, аммо дарсликдаги “тулки” сўзини “курка” деб ўқиганлари таажжублидир. Натижада эса, 1-синф ўқувчиси эмас, балки ўзлари “парранда” билан “дарранда”ни чалкаштириб юборганлар. Умуман, муаллиф сўзларни тўғри ўқий олмай, барини айб тоғорасига солиб, дарсликнинг бошига тўнкайди. Масалан, “Қишнинг қори — ёзга дори” мақолини ҳам “Қишнинг қори — ёзда дори” шаклида ўқийди...

У дарсликдаги нуқсон қидириш шавқига шу қадар берилиб кетадики, баъзи сўзларни шартта матндан узиб олиб, “лиммо-лим” (“лим-лим”) сўзи билимга нисбатан эмас,




кўпроқ суюқликка нисбатан ишлатилади, “ўкинди”, “дард”, “ранги рўйинг”, “садо” сўзлари болаларга мос келмайди, жўжа думалоқ бўлмайди, деганга ўхшаш баҳсли фикрларини айбловга айлантиради. Шунингдек, 48-бетдаги читтак расми, даъво этилганидек, “Чумчуқ” деган матнга эмас, балки шу расм олдидаги “Қушларни асранг!” даъватига дахлдор, яъни экологик тарбия мақсадида келтирилган.

Муаллиф айрим ўринларда жунбушга келиб, майда-чуйдалардан катта “фалсафий” хулосалар чиқармоқчи бўлади. Дейлик, 38-бетдаги дарахтнинг кичкина бир шохини қуруқ кўриб, анча-мунча фикрларни “шохлатиб” юборади. У айтганидек, қуриган шохнинг хосиятсизлик-ёмонлик келтиришига ақли етган ўқувчи расмдаги бобо ва неварани, улар тепасидаги дарахтни кўриб, инсон умри ҳам дарахт мисоли экан — улғаяди, гуллаб-яшнайди ва охир-оқибатда қовжираб боради, демак, умрни беҳуда ўтказмаслик керак экан деган хулосаларга ҳам келиши мумкин-ку!

Мақола муаллифи “ALIFBE”даги расмларнинг анча-мунчаси 1986 йилда нашр этилган “Математика” дарслигидан олинганини ёзади. Аввало, бу расмлар, ўзи ҳам эътироф этганидек, айнан кўчириб олинмаган, балки замон талаблари асосида “ALIFBE”га мослаштирилган. Қолаверса, ҳар иккала дарсликдаги расмлар муаллифи сифатида мусаввирнинг бунга ҳаққи бордир.

Биз мақола муаллифининг айрим фикрларини инкор этмоқчи эмасмиз. Зотан унинг 38-бетдаги “хўроз” ҳақидаги, баъзи расмларнинг меъёрига етмаганлиги, чоп этишдаги камчиликлар борасидаги мулоҳазаларидан кўз юммаслик лозим. Бироқ бу ҳол зинҳор-базинҳор дарсликни яроқсиз дейишга асос бўла олмайди. Зеро, у ўз-ўзидан осмондан тушгани йўқ. Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган танловда ғолиб деб топилган. Агар аввалги “ALIFBE” дарсликлари тўкис ва мукаммал бўлганида, унинг янги нусхасини яратиш бўйича танловга ҳожат қолмас эди. Ҳолбуки, танловда бир неча нашриёт иштирок этди ва экспертлар комиссиясиниг хулосасига кўра, “Маънавият” нашриёти томонидан тайёрланган дарслик ғолиб деб топилиб, чоп этишга тавсия қилинди. Ана шундан кейин ҳам дарслик нуфузли амалиётчи-ўқитувчиларнинг, етук олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилди, Республика Таълим маркази экспертлар гуруҳининг муҳокамаларидан ўтказилди.

Албатта, ҳар қандай янгиликка икки жиҳат хавф солиб туради: биринчидан, ҳали унинг айрим камчиликлардан холи эмаслиги, иккинчидан, уни қабул қилишга аксар кишиларнинг тайёр эмаслиги. Бизнингча, мақола муаллифи Д. Жалилова ана шундай кишилар тоифасидан бўлса керак. Буни унинг “...аввалги дарслик — “ALIFBE” жуда қулай тузилгани учун, расмлар чиройли, болаларни ниҳоятда қизиқтиргани боис ноябрь ойигача “Алифбе”ни ўргатиб бўлар эдим”, дея хўрсиниб эски дарсликни қўмсашидан ҳам билса бўлади. “Ҳозир-чи? — дейди у. — Уни январь, февраль ойларигача ўргатсак ҳам болаларнинг саводи чиқмаса керак”.

Жуда унчалик эмасдир. Муаллиф “ALIFBE”ни ўқитиш бўйича методик қўлланманинг охирида берилган ўқув соати тақсимотига бир қур назар ташласа, қайси соатда нимани ўтиш кераклиги шундоққина кўрсатиб қўйилган.

Умуман, баъзи бир жўяли фикрлари учун муаллифга миннатдорчилик билдирамиз ва дарсликнинг кейинги нашри устида қизғин иш кетаётган ҳозирги кунда ана шу мулоҳазаларни ҳам, албатта, инобатга олажагимизни маълум қиламиз.

**Р. САФАРОВА,**
**педагогика фанлари доктори,**
**У. ҚЎЧҚОРОВ,**
**“Маънавият” нашриёти бош муҳаррири**

Mustaqil gazeta HURRIYAT

# ОРЗУЛАР БИТИЛГАН ҚОМУС

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ҳеч аҳамият берганмисиз? Бешикда ётган чақалоқ эрта тонгданоқ, ҳали она сутидан баҳраманд бўлмасдан бурун, ўз қўлларини йўргакдан бўшатиб юборишларини йиғлаб ўтинади. Сизу бизга оддий ҳол бўлиб туюлган бу ҳодиса она табиат томонидан инсонга берилган ноёб ҳис-туйғу, қолаверса, азал-азалдан табиий озодликка интилишдан далолат эмасмикан?

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим ютуқларидан бири халқ ҳокимиятининг асосий шарти ҳисобланган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини мустаҳкамлаб берганида бўлди.

Бош Қомусимиз 16-моддасининг иккинчи қисми "Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас"лигини белгилайди.

Барча қонунлар, жумладан, Конституциявий қонунлар ҳам, шунингдек, Республика Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳам Конституцияга мос бўлиши, вазирликлар ва давлат қўмиталари, бошқа марказий муассасаларнинг, айни пайтда маҳаллий ҳокимият органларининг норматив актлари ҳам асосий қонунга зид бўлмаслиги зарур. Ниҳоят, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Хуллас, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Қонун, яна бир бор қонун — каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар — барчамиз учун устивор бўлмоғи даркор!".

Мамлакатимизда Конституция устиворлигини таъминлашда суд ҳокимиятининг муҳим ҳалқаси бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ҳал қилувчи ўрин тутади. Унинг зиммасига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга мослигига доир ишларни кўриш вазифаси юклатилган.

Конституциявий суд ўзининг ваколати доирасида кўриб чиққан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатларини Конституцияга қанчалик мослигига доир ҳолатларга қуйидаги мисолни ўринли деб биламиз.

Конституциявий суд фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 118-моддаси қўлланишининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги ишни кўриб чиқди. Меҳнат кодекси амалга киритилгунга қадар, яъни 1996 йил 1 апрелгача амалда бўлган қонун ҳужжатларига кўра, деярли барча тиббиёт ходимлари иш вақтининг қисқартирилган муддати ҳуқуқидан фойдаланувчилар тоифасига киритилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган "Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар рўйхати" иш вақтининг қисқартирилган муддати ҳуқуқига эга бўлган тиббиёт ходимлари доирасини анча чеклаб қўйган деб топиб, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларидан ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган "Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар рўйхати"да ўтилмаган тиббиёт ходимларининг иш вақти нормаси бир ҳафтада ўттиз олти соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблансин" деган мазмунда қарор қабул қилган.

Яна бир мисол. Конституциявий суд 1998 йил 26 февралда бўлиб ўтган мажлисида «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 17-банди бешинчи қисмининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги иш бўйича қуйидагиларни аниқлади.

Республика Конституциясининг 38-моддасида ёлланиб ишлайдиганларнинг ҳақ тўланадиган дам олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ, барча ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақлаган ҳолда меҳнат таътиллари берилади.

Конституциянинг 39-моддасига кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат кодекси 285-моддасининг биринчи қисми вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда тўланишини назарда тутади.

Бироқ агар оила аъзосининг касаллиги ходимнинг меҳнат таътили даврида бошланган бўлиб, ходим дам олиш ўрнига беморни парваришлашга мажбур бўлган бўлса, унда «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 17-бандининг бешинчи қисмига кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилмайди ва бундай вазиятда ходим таътил даврида оиланинг бетоб бўлиб қолган аъзосининг парвариш қилган кунлар сонига монанд узайтирилмайди. Шу тарзда меҳнат таътили даврида оиланинг бетоб аъзосини парвариш қиладиган ходимларнинг дам олиш ва ижтимоий таъминотга бўлган конституциявий ҳуқуқлари камситилади. Шунга асосан, Конституциявий суд "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом 17-бандининг навбатдаги қўшимча меҳнат таътилидаги ходимнинг бетоб бўлиб қолган оила аъзосини парвариш қилганлик учун нафақа олиш ҳуқуқини чекловчи бешинчи қисми Конституцияга мос эмас деб топди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Гувоҳи бўлганимиздек, Республика Конституциявий суди мамлакатимизда фуқаро ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини, бир сўз билан айтганда, Инсонни эъзозлаган Қомусимиз нормаларини ҳимоя қилишда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоиз, мустақил Ўзбекистон давлати дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун тобора интилаётган экан, унинг Конституциясини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш, бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолаверади.

Зеро, ўз ҳуқуқларини билган халқ — ҳуқуқий маданияти юксак фуқаролargина давлат пойдеворини мустаҳкам бунёд эта оладилар.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**Шарофиддин САИДҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг экспертлари**

Ё, фалак:

# "МЕН МУБТАЛО ҚАЙГА БОРАЙ?"

Унинг-бунинг устидан ёзиб юрадиган шикоятчиларни худди бошқалар сингари мен ҳам ҳеч қачон хуш кўрмаганман. Аммо ҳаётнинг шундай мураккабликлари борки, нажот истаб шу йўлга кирганингни ўзинг ҳам билмай қолар экансан. Ўттиз йилдан зиёд умумий овқатланиш корхонасининг масъулиятли вазифасида муқим ишлаган мендай бир аёл бугунги кунда кўзимни катта очишга мажбурман.

Гап бундай: етмишинчи ва саксонинчи йиллари телевизорлардан, газеталардан чет эллардаги мулкдорларнинг хусусий банклари, заводлари, ҳатто ресторанлари борлигини эшитиб ҳайрон қолар эдик. Республикамиз мустақил бўлгандан кейин аввал уйлар хусусийлаштирилди, сўнг хусусий корхоналар пайдо бўла бошлади, ундан сўнг эса ошхоналарга навбат келди. Ўтган ўн-ўн икки йил давомида бизнинг Шўрчимизда мен ишлаётган "Шўрчи ресторани" шўъба корхонасидан бўлак бирорта ҳам хусусийлашмаган ошхона қолмаган бўлса керак. Мен бу корхонани иморат фойдаланишга топширилган 1987 йилдан бери узлуксиз бошқариб келаман.

Элдан қолган туяга ўхшаб нега ҳозиргача судралиб юрибсиз деб сўрашингизни билиб турганим учун айтиб қўяйин — ўша хусусийлаштириш ҳаракатлари бошланган тўқсон биринчи-тўқсон иккинчи йиллардаёқ ҳамма қатори мен ҳам мутасадди идораларимизга ишлаб турган ошхона ресторанимизни хусусийлаштириб олиш тўғрисида ариза берганман. Ҳамма-ҳамманинг иши битди, аммо менга қолганда... ишонасизми, Сурхондарёдек катта вилоятда ҳамма ошхона ресторанлар аллақачонлар хусусийлашиб кетди, аммо менинг ишим ҳеч битмайди, қачон ариза берсам "шошманг-шошманг" деб орқага суришади. Ваҳоланки, мен ўзимни ишини битиришни билмайдиган анқов ҳисобламайман. Шундай бўлса ҳам мана ўн йилдирки, ҳеч... Баъзан нима бало, булар менинг ўлишимни кутаяптимикан, деб ўйлайман.

Ахборот учун айтиб қўяйки, мен меҳнат қилаётган тизимдаги корхоналарнинг ҳусусийлаштириш масалаларини вилоят "Матлуботсавдо" ҳудудий акциядорлик компанияси бошқарувининг раиси Расул Ҳамроевич Мардонов жанобларининг шахсан ўзлари ҳал қиладилар. Буни яхши билганим учун муҳтарам раис жанобларининг ҳузурига кирдим. "Ўзингизнинг хабарингиз бор, ўн йиллардан бери роса овора қилишди, телевизорда ҳар куни хусусийлаштириш ҳақида гап бўлади, аммо менинг ишим ҳеч юришмаяпти, бу ишга ўзингиз раҳбарлик қилмасангиз, менинг қўлимдан ҳеч иш келмаяпти, кўп йиллик қадрдонмиз, мени биринчи кўраётганингиз йўқ, мен яхшиликни унутиб қадрламайдиган аёллардан эмаслигимни яхши биласиз ва ҳоказо ва ҳоказо..." дедим.

Биласизми, сўнг биз мол бозоридагидек савдолаша бошладик.

Расул Ҳамроевич "Уч юз олти миллион" деди. Мен ҳайронлар қолдим, сўнг у киши "Майли бир юз эллик миллион" дедилар. Мен Расул Ҳамроевич бундай рақамларни қаёқдан олаётганига ҳайрон эдим. Кўнглимдан кечган гапни раисимиз билдилар шекилли, "Етмиш беш миллион бўладими?" дедилар. Кейин эллик миллионга, кейин йигирма беш миллион сўмга тушди. Дастлабки нарх билан охирги нарх ўртасидаги осмон билан ерчалик фарқ барибир мени ҳайрон қолдирди. Р. Мардонов нима демоқчи, нимага ишора қилмоқда? Мана уч юз миллион сўм турадиган ошхона ресторанни сув текинга — йигирма беш миллионга бераяпман демоқчими?

— Хусусийлаштириш учун лозим бўлган ҳужжатларни яна қайтадан тайёрладик, чунки кўп йиллардан бери тайёрлананавериб... тайёр эди. Олди-сотди шартномасини имзолашдан бошқа иш қолмади. Аммо бу шартнома ўлгурнинг оёғи оғир чиқди — 2003 йилнинг бошида бўлган бу аҳдлашув йилнинг охирига келиб ҳам имзоланмади. Чунки кузга келиб янги гап чиқди — жуда ишонарли манбаларнинг маълум қилишича (одамларнинг оғзида гап турмай қолди), гўёки мен Р. Ҳамроевич таклиф қилган нархни рад этган эмишман-у, шу нархга туманимизнинг ҳокими Ўрол Бобоқулов харидор бўлибди.

... Мен ҳеч қачон Расул Ҳамроевич таклиф қилган нархни рад этмаганимни расман ўзларига маълум қилиш учун у кишининг ҳузурларига бордим. Беш соатдан зиёд қабулхонада кутиб, эшикни шундоқ очган эдим тўрда, ўтирган жойларида туриб "эшикни ёпинг" деб қичқирдилар — на саломга алик бор, на аввалгидай илтифотлар... Ҳа, хизматчиликда раисимиз чарчаган бўлсалар керак деб эшикни ёпаётган эдим, яна у киши "Мен сизга орқасидан ёпинг деяпман! Мен сиз билан Шўрчида гаплашаман" деб қичқирдилар. Шундай пайтда аёл кишининг ожизлиги билинар экан. Йиғлай-йиғлай Термиздан Шўрчига қайтдим.

... Шундан бери отишга маҳкум қилинган маҳбусга ўхшаб ўтирибман. Ўтган замонларда бирови "мен мубтало қайга борай?" деб йиғлаган экан. Шунга ўхшаб мен ҳам нима қиларимни билмай охири таҳририятга хат ёздим — дунё Расул Мардоновга қолмаган-ку, ахир.

**Зулхумор УМАРОВА,**
**"Шўрчи ресторани" шўъба корхонасининг директори**

Солиқ

# ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНМАСДАН МАҚСАДГА ЭРИШОЛМАЙМИЗ

*Ушбу сўзларни Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Рустам Кўчқоров суҳбатимиз давомида мунтазам такрорлаб турди*

— **Солиқ тўловчи маданиятини шакллантиришда нималарга эътиборни жалб қилиш лозим, деб ҳисоблайсиз?**

— Азалдан солиқ давлат қудратини мустаҳкамловчи бош омиллардан бири саналади. Шу боис, солиқ тўлаш фуқаронинг асосий мажбуриятларидан ҳисобланган. Буюк иқтисодчи олим Адам Смит "Солиқ тўлаш қуллик эмас, ҳурлик аломатидир", деганда минг карра ҳақ эди.

Давлатимизнинг Асосий қонунида солиқ тўлаш фуқароларнинг бурчларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган. Конституциямизнинг 51-моддасида қуйидаги сўзлар битилган: "Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғинларни тўлашга мажбурдирлар". Шуни назарда тутиш керакки, давлатимиз бюджети даромад қисмининг деярли 85 фоизини солиқлар ва мажбурий тўловлар ташкил этади. Шундай экан, солиқ тўлашда ихтиёрийлик тамойили устун бўлишига эришиш, солиқ тўловчи маданиятини юксалтириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан бири солиқ ва солиқ тўлаш билан боғлиқ барча масалаларда аҳолининг хабардорлик даражасини оширишдан иборат. Бунинг учун ҳар бир фуқарога солиқ ҳақида болалигидан маълумот бериш, солиқнинг моҳиятини уларнинг ёш хусусиятига қараб тушунтириш талаб этилади. Бу йўлда иқтисод асослари дарсларидан ташқари, тарих, адабиёт ўқитишда мавзу мазмунига қараб солиқ тўлашнинг муҳимлиги, ўтмишда қандай солиқлар бўлганлиги, уларнинг давлат ва жамият учун аҳамияти хусусида сўз юритиш муҳимдир. Нима сабабдан солиқ тўлаш фуқаронинг бурчи сифатида мамлакатимиз Бош қомусига киритилганлигининг мазмун ва моҳиятини ёшлар онгига сингдириш зарур.

Ушбу йўналишда аҳоли орасида, маҳаллаларда доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, бу ишда ўқитувчилар, олимлар билан бир қаторда биз, солиқчилар, ҳам жонбозлик кўрсатишимиз шарт.

Солиқ тўловчи маданиятини шакллантириш йўлларидан бири солиқларни мунтазам ўз вақтида тўлаб келган юридик ва жисмоний шахсларни рағбатлантириб боришдан иборат.

— **Фуқароларда солиқ тўлаш маданияти шаклланганлиги даражасининг белгилари нималарда кўринади?**

— Бу энг аввало, солиқларнинг қанчаси ихтиёрий равишда тўланишида кўринади. Масалан, ривожланган мамлакатларда солиқларнинг ихтиёрий тўланадиган қисми 80 фоизгача етади. Бизда эса бу кўрсатгич 20 фоиздан камроқ.

Фуқаролар харид қилганда ёки уларга хизмат кўрсатилганда, албатта, чек талаб қилиш солиқ тўловчи маданиятини кўрсатувчи белгилардан биридир. Ёки Самарқандда асосий транспорт воситасига айланган микроавтобусга ўтираётганда, унинг ҳайдовчиси керакли солиқни тўлаганми, рўйхатда турибдими, эрталаб ишга чиқишидан олдин машинаси техник кўрикдан, ўзи эса тиббий кўрикдан ўтганми, деган саволларни ўзимизга беришимиз ҳам ана шу маданият намунасидир.

Ҳар бир фуқаронинг ёшлигиданоқ солиқ моҳиятини тушуниб етишида маҳаллий солиқлар ва уларни тўлаш билан боғлиқ жараённинг ўзига хос ўрни бор.

— **Рустам Кўчқорович, шу охирги фикрингизни кенгроқ изоҳлаб берсангиз.**

— Маҳаллий солиқлар, яъни мол-мулк ва ер солиқлари вилоятимиз бўйича ундирилаётган солиқларнинг атиги 2 фоизини ташкил этади. Аммо уларни ундириш учун барча бошқа солиқларни ундириш учун кетадиган меҳнат ва харажатларнинг 90 фоизи сарфланади, десам хато бўлмайди. Ишимизнинг ана шу томонидан хабардор бўлган айрим касбдошларимиз гоҳида катта куч сарфлаб йиғиладиган ва салмоғи анча оз бўлган маҳаллий солиқлар ўрнига солиқнинг енгилроқ йўл билан ундириладиган бошқа турини жорий этиш маъқул эмасми, деган саволни ўртага ташлашади.

Менимча, гап бу ерда фақат солиқнинг салмоғида-ю, уни ундиришнинг енгил ёки оғирлигида эмас. Масалага бошқача ёндашмоқ зарур. Маҳаллий солиқлар аҳолига, жумладан, ёшларга солиқ тўлаш мажбурият эканлигини англаб етишга, уларда солиқ тўлаш ҳиссининг шаклланиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтдаги мавжуд тартиб бўйича маҳаллий солиқларни ундириш билан боғлиқ ишлар участка солиқ инспекторлари зиммасида.

— **Бу ишда инспекторларга маҳаллаларнинг фаоллари ҳам ёрдам кўрсатишаяптими?**

— Ҳа, албатта. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини кенгаши "Аҳолидан солиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади" деб ёзиб қўйилгани бежиз эмас. Аммо ҳамма жойда ҳам маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ушбу масалада жонбозлик кўрсатишмоқда, деб бўлмайди. Уларнинг ер солиғи ва мол-мулк солиғини ундиришга кўрсатадиган кўмагини қўйиб турайлик. Маҳалла ҳудудида ноқонуний фаолият юргизаётган сохта тадбиркорларнинг қилмишини очиб беришдан ўзини олиб қочадиганлар ҳам бор. Наҳотки, оқсоқол ўз маҳалласи ҳудудидаги яширин цехдан бехабар бўлса? Бунга ишониш қийин.

— **Участка солиқ инспекторларига ёрдам кўрсатаётган ва бу ишга лоқайдларча муносабатда бўлган маҳалла оқсоқоллари ҳақида мисоллар келтирсангиз.**

— Марҳамат. Давлат аҳамиятига молик ишда идорамиз ходимлари билан ҳамкорлик қилиб келаётган ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг раҳбарлари анчагина. Улардан айримларини санаб ўтмоқчиман. Булар — Самарқанд туман Кулбаипоён қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ)га қарашли Талибарзу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содиқ Узоқов, Тайлоқ туман Боғизоғон ҚФЙга қарашли Янги ҳаёт маҳалла фуқаролар йиғини раиси Темирхон Аҳмедов, Нарпай туман Янгиқўрғон ҚФЙга қарашли Тепақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маманазар Каримов, Каттақўрғон шаҳар Оқолтин маҳалла оқсоқоли Хайрулла Бўронов ва бошқалардир.

Ўз маҳалласи ҳудудида нима бўлаётганидан бехабар қолиб келаётган ёки қонунбузарликларни билиб атайин ўзини кўрмасликка солиб келаётган оқсоқолларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, Самарқанд тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳудудидаги Ражабамин қишлоғида (маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зариф Ражабов) яшовчи Ўктам Одилов уйида ноқонуний равишда чигитдан ёғ олиш билан шуғулланиб келаётган экан. Унинг уйидан 4200 кило чигит, 3100 кило кунжара, 115 литр ёғ ва чигитдан ёғ ишлаб чиқариш мосламаси ашёвий далил сифатида олинди. Энг ачинарлиси шуки, Ў. Одилов ишлаб чиқараётган ёғ истеъмолга яроқсиз бўлган ҳамда у электр энергиясидан фойдаланишда ҳеч қандай ҳисоб-китоб олиб бормаган.

Бошқа яна бир мисол. Лойиш қўрғонидаги Наврўз маҳалласининг Нодирабегим кўчасида яшовчи фуқаро Довур Раҳимов ўз уйида (маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шаҳоб Нозимов) яширин цех очиб, спиртли ичимликлар ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Унинг уйидан деярли ярим миллион сўмлик тайёр маҳсулот (697 шиша арoқ), акциз маркалар, турли хилдаги этикеткалар, картон қутилар ашёвий далил сифатида олинди.

Афсуски, бундай шароитда, яъни маҳалла фаолларининг кўмагисиз участка солиқ инспектори ёлғиз ўзи самарали фаолият олиб боролмайди.

— ***Кўпчилигимизнинг тасаввуримиз бўйича участка солиқ инспекторининг вазифаси уйма-уй юриб, маҳаллий солиқларни тўлаган ёки тўламаган хонадонларни аниқлашдан иборат. Маҳаллани бир йилда бир-икки марта айланса кифоядай. Умуман, инпекторнинг вазифаси ва унинг зиммасидаги масъулият хусусида гапириб берсангиз.***

— Аслида участка солиқ инспектори зиммасига анчагина вазифалар юклатилган ва унинг ваколати доираси "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилган. Ўзи бириктирилган участкаси бўйича солиқ инспектори бажарилиши лозим бўлган айрим вазифалар қуйидагилардир: мол-мулк ва ер солиғини йиғиш, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахсларни ҳисобга олиш, бюджетга солиқ тўлаётган шахсларни ўз вақтида ва тўла қайд қилишни таминлаш, тўловларни ўз вақтида ҳисоблаш ва йиғиш, уйма-уй юриб, аҳолини декларация топшириш муддатлари, ялпи йиллик даромад бўйича солиқларни тўлаш муддатларидан хабардор қилиш, жисмоний шахслар ўртасида солиқ тўлаш, ставкалар, имтиёзлар ва солиқ тўлашга оид бошқа масалалар бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш, тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва ҳоказолар.

Участка солиқ инспектори ўз ишини самарали бажариши учун уйма-уй юришига тўғри келади. У ҳар бир хонадон соҳибидан паспорти ва уй-жойи ҳақидаги маълумотларни, ер майдони ажратилганлиги ҳақидаги қарорни, имтиёзлардан фойдаланувчилардан туман мудофаа ва ижтимоий бўлимлари тақдим этган маълумотномалар талаб қилишга ҳақли. Афсуски, инспекторларимизнинг ана шу талаби аксар ҳолларда фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Айримлар буни ўзларининг шахсий ҳаётларига аралашув ёки қайси бир мақсадлар учун маълумот тўплаш деб талқин қилишмоқда. Лекин юқоридаги маълумотларсиз мол-мулк ва ер солиғининг миқдорини аниқлаш мумкин эмаску! Ушбу масалада маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг кўмаги жуда муҳимлигини англаш қийин бўлмаса керак.

— **Мавжуд ахборотни компьютерга жойлаштириб, маълумотлар базасини яратиш бу йўналишдаги ишларни енгиллаштириш учун хизмат қилса керак?**

— Ҳа, албатта. Давлат солиқ қўмитаси тизимида маълумотлар базасини яратиш буйича ибратли ишлар қилинган. Жумладан, юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича барча ишлар автоматлаштирилган. Жисмоний шахсларга доир ахборотни компьютерга жойлаштириш ишлари эса 1997 йилда бошланган бўлишига қарамасдан ҳанузгача тугатилган эмас. Бунинг қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Жумладан, фуқаролар паспортининг алмаштирилганлиги муносабати билан маълумотлар янгиланди ёки айримларда улар ота-бобосидан мерос бўлиб келаётган уй-жойда яшаётганлиги боис тегишли ҳужжатлари йўқ. Битта маълумотнинг бўлмаганлиги эса ахборотни автоматлаштириш жараёнини қийинлаштиради. Бу муаммони ҳал этишнинг йўлларидан бири жамоатчилик билан ҳамкорлик деб биламиз.

— **Бугунги суҳбатимизда кўтарилаётган масалада журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг ўрни нимада деб биласиз?**

— Барча тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларимизни оммавий ахборот воситаларининг иштирокисиз олиб боришни тасаввур этолмаймиз. Фақат биргаликда ҳаракат қилишимизгина ижобий натижа бериши мумкин. Буни биз чуқур англаган ҳолда иш юритаяпмиз. Йилнинг ҳар чораги якунига кўра ўтказиладиган матбуот анжумани анъанага айланиб қолди. Бундан ташқари, бизга маълумот учун мурожаат этган журналистдан қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз, ҳамкорликни таклиф этганларни эса қўллаб-қувватлаймиз.

Солиқ тизимидаги янгиликлар ҳақида бўладими, қабул қилинган янги қонуну қарорлар хусусидами, тарғибот-ташвиқот ишларидами, ҳаммасида оммавий ахборот воситалари кучига таяниб иш кўрамиз. Шу туфайли аҳолининг хабардорлик даражаси ортади, бажараётган амалий ишига онгли ёндаша бошлайди.

Ана шулардан келиб чиқиб куни кеча Тошкентда, Давлат солиқ қўмитасида журналистлар учун ўтказилган брифингда тизим ходимлари билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг учрашуви мунтазам тус олиши ҳақида сўз юритилди. Барча вилоятлардаги бошқарма ва бўлимларга ҳам матбуот анжуманлари, семинарлар ўтказиб туриш тавсия этилди. Демак, бизнинг йил давомида ана шундай учрашувларни ташкил этиб, тўғри йўл тутганлигимиз ўз тасдиғини топди. Ҳамкорликни давом эттираверамиз. Бу бугун биз тилга олган солиқ тўлаш маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилади.

**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди**

Фотоайбнома



*Чилонзорнинг «Қатортол савдо шахобчаси» олдида аҳвол ҳар куни ана шундай.*

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Шикоят

# ҚАЧОНГАЧА ШУНДАЙ ДАВОМ ЭТАДИ?

*Янгиерда бизни эшитадиган мард топилармикин?*

Биз, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри Алишер Навоий кўчасидаги 2-, 3-, 4-уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар, зора адолат қарор топар деган умидлар билан мазкур шикоят хатини ёзаяпмиз. Шикоят ёзишга бизни Янгиер шаҳрида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг ниҳоятда паст даражада эканлиги мажбур қилди. Гап шундаки, биз истиқомат қиладиган кўп қаватли уйларни кўрган одам ҳайрон қолиши мумкин. Чунки ёғин-сочинли кунлар бошланди дегунча бизга ниҳоятда оғир бўлади. Мана, ҳозир қиш қиличини ўйнатиб келган айни кунларда кўринг бизнинг аҳволни. Биз яшайдиган кўп қаватли уйнинг томидаги шиферларнинг ярмидан кўпи синиб, илма-тешик бўлиб ётибди. Тўртинчи қаватда истиқомат қилувчилар ҳар ёмғир-қор ёққанда юракларини ҳовучлаб ўтиришади. Ёмғир сувлари уларнинг хонадонига оқиб кириб безор қилган. Ачинарлиси шундаки, ёмғир сувлари фақат 4-қаватдаги хонадонларнигина эмас, 3-, 2-қаватдагиларга ҳам полдан сизиб ўтиб безовта қиляпти. Бир неча киши ўзаро пул йиғиб, шифер сотиб олдик. Уни томга ўрнатиб, ўзимизча таъмирлаган бўлдик. Лекин барибир ёмғир-қорли кунларда чакка балосидан қутулолмаяпмиз. Шифер сотиб олиб томни таъмирлашга "Сирож" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Марат Орзиқуловнинг тепса-тебранмаслиги, ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлиши мажбур қилди. Гап шундаки, биз 2002 йилнинг ёзидан буён Янгиер шаҳридаги "Сирож" уй-жой мулкдорлари ширкатига қатнайвериб чарчадик.

Одамлар ўз ёнидан пул харажат қилиб кўп қаватли уйларнинг томини таъмирлайди деб ҳеч қаерга ёзиб қўйилмаган. Лекин биз шунга мажбур бўлдик, тўғрироғи, Янгиер шаҳридаги баъзи бир "раҳбар"ларнинг лоқайдлиги, элу юрт ғамидан мутлақо йироқлиги мажбур қилди. Орзиқуловнинг айтишича, "Сирож" УМШда томга чиқиб шиферларни таъмирлайдиган мутахассис йўқ эмиш. Ана баҳона-ю мана баҳона. Топган гапини қаранг бу кишининг. Э, қойил-э! Ахир, бутун бошли Янгиер шаҳрида томни таъмирлай оладиган мутахассис топилмаса-я! Ўз пулимизга сотиб олган шиферларни эса "мутахассис йўқ"лиги боис ўзимиз ўрнатишга мажбур бўлдик. 4-уй 27-хонадонда яшовчилар аҳвол ҳаддан ташқари ёмонлашиб кетганлиги боис вақтинчалик ижара ҳақи тўлаб яшайдиган бошқа уйга кўчиб кетишган.

Янгиер шаҳар ҳокими-ю, бошқа мутасаддилардан умуман умид қилиб бўлмайди. Уларни ўзлари билан бир ҳаводан нафас олиб яшаётган ҳамшаҳарларининг қандай ҳаёт кечираётгани умуман қизиқтирмайди чоғи. Акс ҳолда, уларга қилган шикояту арз-додларимизнинг ақалли биттасини инобатга олиб вазиятнинг сал бўлса-да ижобий томонга силжишига сабабчи бўларди.

Янгиер шаҳар иссиқлик тармоқлари бошқармаси ҳақида-ку гапириб ўтирмаса ҳам бўлаверади. Улар ҳақида хулоса чиқармоқчи бўлсангиз, яхшиси, қишда бизнинг шаҳарга меҳмонга келинг: бор вазиятга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Қисқаси, 2-3 йилдан буён иситиш воситалари яхши ишламайди: совуқдан азият чекиб базўр баҳорга етиб оламиз. Ёзда эса уйларимиз иссиқдан туриб бўлмайдиган даражага келади. Сув масаласи эса анча ташвишланарли: сув соати билан берилади. Баъзан шундай бўладики, сув умуман чиқмай қолади. Сув чиқмаган пайтда яшашнинг нечоғли қийинлигини тасаввур этсангиз керак. Электр энергияси ўчиб туриши одатий ҳол ҳисобланади. Бунинг оқибатида бир қанча телевизорлар, музлатгичлар ишдан чиқди. Газ паст ёнади, қишда эса пасайиб кетади.

Бундан ташқари, 2-, 3-, 4-уйларнинг канализация тизими яхши ишламайди. Бунинг оқибатида ҳар хил кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқади. Газ, электр энергияси, сув ҳақларини ишлайдиганларникини ишхонасидан, ишсизларникини уйидан ҳар доим ўз вақтида келиб олиб кетишади. Кўп қаватли уйларнинг атрофларига қараб бўлмайди: ҳар хил чиқиндилар сочилиб ётади, кўчалар ифлосланиб кетган. Умуман олганда, бизнинг кўчадаги аҳвол жудаям ёмон даражада. Ахир, буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг номлари берилган кўчадаги мазкур кўнгилсиз ҳолат даҳо шоиримизга нисбатан ҳам ҳурматсизлик эмасми?

2003 йилнинг Юртбошимиз томонидан "Обод маҳалла" йили деб эълон қилингани кўп хайрли иш бўлди. Шу муносабат билан юртимизнинг кўплаб маҳаллалари обод қилиняпти, кўркам тус олиб боряпти. Буни деярли ҳар куни матбуот, радио-телевидение орқали ўқиб, эшитиб-кўриб турибмиз. Лекин мамлакат миқёсида шундай хайрли ишлар кетаётган бир маҳалда негадир биз яшайдиган маҳаллада бирор-бир ўзгариш сезилмагани ачинарли. Шаҳарнинг аҳолиси зич яшайдиган жойларида, маҳаллаларда санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган нохуш ҳолат ҳукм сураётгани бор гап. Бироқ негадир шаҳар раҳбарлари бу ҳолни кўриб-кўрмасликка оладими, бунисини билмадик, вазиятни ижобийлаштиришга эътибор беришмаяпти. Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси раҳбарияти-ю маҳалла оқсоқоллари қаёққа қарашаяпти? — буниси бизга қоронғи.

Умид қиламизки, шаҳар мутасаддилари шикоят хатимиздан тегишли хулоса чиқариб, мавжуд нохуш вазиятни ижобий ҳал этишга етарлича эътибор қаратишади.

**Бир гуруҳ фуқаролар номидан**
**М. БОБОЕВА, Л. СОРОКИНА, М. ҲОТАМОВ, И. ДАДАЖОНОВ**
**(жами 13 имзо)**

